

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АМИРКУЛОВ АКРАМ ЗИЯЕВИЧ

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА
МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

08.00.13 – Менежмент

08.00.11 – Маркетинг

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in
Economic Sciences**

Амиркулов Акрам Зияевич

Корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишда маркетинг
стратегияларидан фойдаланиш 3

Амиркулов Акрам Зияевич

Использование маркетинговых стратегий при повышении
эффективности корпоративного управления..... 25

Amirkulov Akram Ziyaevich

Use of marketing strategies to increase the effectiveness of corporate
governance..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 51

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АМИРКУЛОВ АКРАМ ЗИЯЕВИЧ

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА
МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

08.00.13 – Менежмент

08.00.11 – Маркетинг

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Iqt2293 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsue.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хашимов Акрам Абдиевич

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Акрамов Тохир Абдирахмонович

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Хасанов Тохир Абдурашидович

иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2020.I.16.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: info@tsue.uz

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: info@tsue.uz

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2022 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.Қ. Абдурахмонова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, и.ф.д., профессор

Р.Х. Карлибаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, и.ф.д., профессор

Ш.Ж. Эргашходжаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётида йирик ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг интеграцион шакллари алоҳида эътибор қаратиш орқали жадал ривожланишни таъминлашга эришилмоқда. Кимё саноатидаги корпорациялар иш самарадорлиги ва экспорт салоҳиятининг мустаҳкамланиши маркетинг стратегиялари натижадорлигига боғлиқ бўлмоқда. Америка кимё кенгаши маълумотларига кўра, “2020 йилда жаҳонда 3817,6 млрд. АҚШ долларилек кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, худудлар бўйича қуйидагича бўлган: Осиё-Тинч океани худудида – 2082,9; Европада – 707,6; Шимолий Америкада – 557,3; Лотин Америкасида – 208,2; Африка ва Яқин Шарқда – 171,3; собиқ Иттифоқ мамлакатларида – 90,3 млрд. АҚШ доллари”¹. Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва юқори самарадорлиги тармоқдаги корпоратив бошқарув натижадорлигини баҳолаш асосида унга мос маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш ва фойдаланишга боғлиқ бўлмоқда.

Жаҳон кимё маҳсулотлари бозорида тежамкор технологияларни қўллаш асосида экологик муаммоларни ҳал қилиш, сифат менежменти асосида рақобатбардош маҳсулот турларини ишлаб чиқишни бошқариш, стратегик мақсадлар асосида инновацион маркетингни ташкил этиш йўналишларида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, айниқса, юқори қўшилган қийматли кимё маҳсулотлари экспорт салоҳиятини ошириш, тежамкор технологиялар асосида чиқитсиз ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ресурсларнинг экологик тоза манбаларини излаб топиш, корпоратив бошқарувга мос маркетинг стратегиялари асосида корхоналар экспорт салоҳиятини ошириш йўналишларидаги тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида табиий ресурслар асосида тайёр ва юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, экологик тоза маҳсулот турларини яратиш, айниқса, жаҳон бозорларида рақобатбардош кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш, экспорт салоҳиятни ошириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишларида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунда корпоратив тузилмалар фаолиятини кенгайтириш ва самарадорлигини оширишга эътибор қаратилмоқда. “Корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш”² устувор вазифа сифатида белгилаб берилди. Бундай вазифалар муваффақиятли ҳал этилишида корпоратив бошқарув натижадорлигини баҳолаш усулини такомиллаштириш асосида корпорацияларнинг узоқ муддатли барқарор ривожланишини таъминлашга йўналтирилган маркетинг стратегияларини шакллантириш, корпоратив бошқарув рақобат устунлиги ҳамда корпоратив бошқарув фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари

¹<https://www.google.com/search?q=American+Chemistry>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. // www.lex.uz.

ўртасидаги ўзаро миқдорий боғлиқликни аниқлаш ва прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқотларни талаб этади.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2021 йил 9 июндаги ПФ-6244-сон “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Худудларнинг sanoat салоҳиятини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2021 йил 9 апрелдаги ПҚ-5063-сон “Ўзбекистон Республикасида қайта тикланувчи ва водород энергетикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 13 февралдаги ПҚ-4992-сон “Кимё sanoati корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва молиявий соғломлаштириш, юқори кўшилган қийматли кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон “Кимё sanoatини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш тўғрисида”ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон “Ўзбекистон Республикасида кимё sanoatини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2016 йил 28 сентябрдаги ПҚ-2614-сон “2016-2020 йилларда углеводород хом ашёсини чуқур қайта ишлаш негизида экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Корпоратив бошқарув ҳамда стратегик маркетинг жиҳатлари кўплаб хорижлик ҳамда ўзбекистонлик олимларнинг илмий асарларида кенг ёритилган. Хорижлик тадқиқотчилардан корпоратив бошқарув масалалари А.Бэрли, Г.Мэйнс, А.Кэдбери, Д.Аакер, Р.Акофф, И.Х.Ансофф, Ж.Соломон, А.Соломон, Б.Трэйкер, К.К.Прахалад томонидан³, маркетинг соҳаси шаклланиши, уларни ривожлантириш ва

³ Berle A., Means G. The Modern Corporation and Private Property. – New York: Macmillan, 1932; Cadbury A. The Report of the Committee on the Financial Aspects of Corporate Governance (Cadbury Report). – London: Gee Publishing Ltd., 1992. – 90 p.; Аакер Д. Стратегическое рыночное управление / Д. Аакер. - 7-е изд. / Пер. с англ. под ред. С.Г. Божук. – СПб.: Питер, 2011. – 496 с.\$; Акофф Р. Планирование будущего корпорации / Пер. с англ. – М.: Сирин, 2002. – 256с; Ансофф И.Х. Новая корпоративная структура / Пер. с англ. – СПб.: Питерком, 1999. – 416с; Аоки Масахико. Корпорации в условиях растущего многообразия: познание, руководство и институты / Пер. с англ. Ю.Каптуревского. – М.: Издательство Института Гайдара, 2015. – 368с; Solomon J., Solomon A. Corporate Governance and Accountability. – John Wiley @ Sons Ltd, 2004. – 318 p; Bob Tricker – Corporate Governance, Principles, Policies and Practices, 3rd edition, Oxford online resources center, 2012 – 904 pp.;

самарадорлигини ошириш масалалари билан И.Альтшуллер, П.Дойль, Ф.Котлер, Ж.-Ж.Ламбен, Г.Минцберг, М.Портер, Л.Теодор⁴ ва бошқалар ўз илмий ишларида ақс эттирганлар.

МДХ олимларидан И.Ю.Бочарова, В.Р.Веснин, А.Г.Дементьева, Е.В.Иванова, В.М.Распопов, Н.М.Розанова⁵ ва бошқалар корпоратив бошқарув механизмлари самарадорлигини оширишни тадқиқ этган бўлсалар, маркетинг масалалари билан Е.П.Голубков, М.Н.Григорьев, Ю.Н.Егоров, П.С.Завьялов, Н.Я.Калюжнова, В.Н.Наумов⁶ ва бошқалар шуғулланганлар.

Республикамиз иқтисодчи олимларидан Б.Беркинов, А.Хашимов, Ш.Н.Зайнутдинов, Д.Н.Раҳимова, Д.Суюнов, М.Хамидуллин, Д.Б.Бегматова, Н.Т.Пулатов⁷ ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш масалалари, маркетингнинг ривожланиш муаммолари С.С.Ғуломов, А.Ш.Бекмуродов, М.Р.Болтабаев, Ш.Дж.Эргашходжаева, М.С.Қосимова, М.А.Юсупов⁸ ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Прахалад К.К. Ключевые компетенции корпораций [Текст] / К. К. Прахалад, Г. Хамел. // Вестник С.-Петербургского ун-та. Сер. Менеджмент (3). – 2003. – С. 18, 23.

⁴Альтшуллер И. Стратегия и маркетинг: две стороны одной медали, или просто – о сложном. – М.: Дело, 2010. – 542 с., Дойль Питер. Менеджмент: стратегия и тактика / Пер. с англ. – СПб.: Питер, 2005. – 502 с., Котлер Ф. Маркетинг менеджмент / Ф. Котлер, К.Л. Келлер. – 16-е изд. – Санкт-Петербург [и др.]: Питер, Прогресс книга, 2020. – 844 с., Ламбен Ж.-Ж. Менеджмент, ориентированный на рынок (Пер. с англ. Под ред. В.В. Колчанова). – СПб.: Питер, 2014. – 800 с., Минцберг Г. Стратегический процесс / Г. Минцберг, Дж. Б. Куинн, С. Гошал; пер. с англ. Т. Виноградовой и др. под общ. ред. Ю.Н. Каптуревского. – СПб.: Питер, 2001. – 688 с., Портер М. Конкуренция. Исправленное издание. – М.: Изд. дом «Вильямс», 2005. – 257 с., Theodor Lewitt, “The Globalization of Markets”. Harvard Business Review, May-Jun 1983, pp. 92-102.

⁵ Бочарова И.Ю. Корпоративное управление: Учебник / И.Ю. Бочарова. – М.: НИЦ Инфра-М, 2013. – 368 с.; Веснин В.Р. Корпоративное управление: Учебное пособие / В.Р. Веснин, В.В. Кафидов. – М.: Инфра-М, 2016. – 160 с.; Дементьева А.Г. Корпоративное управление: Учебник / А.Г. Дементьева. – М.: Магистр, 2018. – 848 с.; Иванова Е.В. Корпоративное управление: Учебное пособие / Е.В. Иванова. – М.: Флинта, 2016. – 336 с.; Распопов В.М. Корпоративное управление: Учебник / В.М. Распопов, В.В. Распопов. – М.: Магистр, 2019. – 384 с.; Розанова Н.М. Корпоративное управление: Учебник для бакалавриата и магистратуры / Н.М. Розанова. – Люберцы: Юрайт, 2016. – 339 с.

⁶ Голубков Е.П. Маркетинг для профессионалов: практический курс: учебник и практикум для бакалавриата и магистратуры / Е.П. Голубков. – Москва: Издательство Юрайт, 2019. – 474 с.; Григорьев М.Н. Маркетинг: учебник для вузов / М.Н. Григорьев. – 5-е изд., перераб. и доп. – Москва: Издательство «Юрайт», 2021. – 559 с.; Егоров Ю.Н. Основы маркетинга: учебник / Ю.Н. Егоров. – 2-е изд., перераб. и доп. – Москва: ИНФРА-М, 2021. – 292 с.; Завьялов П. С. Маркетинг в схемах, рисунках, таблицах: учебное пособие / П. С. Завьялов. – Москва: ИНФРА-М, 2019. – 336 с.; Калюжнова Н.Я. Современные модели маркетинга: учебное пособие для вузов / Н.Я. Калюжнова, Ю.Е. Кошурникова / под общей редакцией Н.Я. Калюжновой. – 2-е изд., испр. и доп. – Москва: Издательство Юрайт, 2021. – 170 с.; Наумов В.Н. Стратегический маркетинг: учебник / В.Н. Наумов. – 2-е изд., перераб. и доп. – Москва: ИНФРА-М, 2020. – 356 с.

⁷Беркинов Б.Б. Корпоративные структуры (Основы создания и управления). – Т.: Изд-во Нац. Б-ки Узбекистана им. А.Наваи, 2005. – 132 с.; Хашимов А.А. Ўзбекистонда интеграциялашган корпорацияларни бошқариш: Монография. – Т.: ФАН, 2007. – 300б.; Зайнутдинов Ш.Н., Раҳимова Д.Н. Корпоратив бошқарув асослари. – Т.: Академия, 2007. – 48 б.; Суюнов Д.Х. Бизнес мухитнинг ривожланишига корпоратив бошқарув механизмини жорий этишни такомиллаштириш: Иқт. фан. док. ... дисс. иши. – Т.: ЎЗР През. хуз. ДЖҚА, 2008. – 337 б.; Хамидуллин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления: Дис. ... док. экон. наук. – Т.: БФА РУз., 2008. – 256 с.; Бегматова Д.Б. Совершенствование методов оценки эффективности корпоративного управления в акционерных обществах: Дис. ... док. филос.(PhD) по экон. наукам. – Т.: ТГЭУ, 2017. – 156 с.; Пулатов Н.Т. Очиқ акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш йўллари (“Ўзкимёсаноат” ДАК АЖлари мисолида). Иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация. – Тошкент, 2011. – 151 б.

⁸ Ғуломов С.С. Маркетинг асослари. – Т.: Шарқ, 2002. – 254 б., Бекмуродов А.Ш., Янг Сонг Бэ. Стратегия развития текстильной промышленности Узбекистана: Кластерный подход. Монография. – Ташкент: ТГЭУ. 2006. – 112 с.; Болтабаев М.Р. Тўқимачилик саноатида маркетинг стратегияси. Монография. – Т.: Фан, 2004. – 224 б.; Ergashxodjaeva Sh.Dj., Qosimova M.S., Yusupov M.A. Marketing. Darslik. – Т., 2019. – 361 б.

Бироқ корпоратив бошқарув тизимларининг самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, корпоратив бошқарув иштирокчилари ўртасида манфаатлар мувозанатини яратиш, корпоратив бошқарув натижадорлигини баҳолаш натижаларига таянган ҳолда корпоратив тузилмаларни истиқболда ривожлантириш маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш масалалари етарлича ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Қорхоналарни инновацион ривожлантириш шароитида вертикал интеграциядан самарали фойдаланиш йўллари” мавзусидаги ПЗ-20170928153-сонли амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мамлакатдаги саноат корпорацияларида корпоратив бошқарув тизими натижадорлигини баҳолаш асосида истиқболдаги ривожланиш стратегиясини шакллантириш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг назарий асосларини ўрганиш;

корпоратив бошқарув тизимини шакллантиришнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш;

акциядорлик жамиятларида ривожланиш стратегиясини шакллантиришнинг илмий-назарий асосларини ўрганиш;

кимё саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг қорхона иқтисодий салоҳиятига таъсири таҳлилин аналга ошириш;

кимё саноатида корпоратив бошқарувнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлилин аналга ошириш ва уни такомиллаштириш заруратини асослаш;

кимё саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув механизмлари самарадорлиги таҳлилин аналга ошириш;

акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув натижадорлигини баҳолаш асосида уни ошириш имкониятларини аниқлаш;

акциядорлик жамиятлари маркетинг корпоратив стратегиясини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш;

корпоратив тузилмаларда бошқарув механизмларини такомиллаштириш асосида унинг самарадорлигини прогнозлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида “Ўзкимёсаноат” АЖ ва унинг таркибига қирувчи акциядорлик жамиятлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети кимё саноати қорхоналарида корпоратив бошқарув жараёнидаги маркетинг фаолиятида юзага келувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида статистик таҳлил, стратегик режалаштириш, эконометрика, бенчмаркинг, интеграл баҳолаш, кабинет ва дала тадқиқоти, танланма кузатув, график талқин, эксперт баҳоси сингари усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

акциядорлик жамиятларида бошқарув тизими фаолияти натижадорлигининг интеграл оралиқ натижалари (номақбул (0,48 дан паст), мумкин бўлган (0,55-0,49), нормал (0,62-0,56), юқори (0,68-0,63) ва жуда юқори (0,69 дан юқори)) даражаларига мувофиқ келувчи самарадорлик кўрсаткичлари аниқланган;

акциядорлик жамиятлари фойдасининг дивиденд тўлаш ва бизнесни ривожлантириш учун йўналтирилувчи қисмлари ўртасидаги оптимал нисбатни белгилаш орқали корпорацияларнинг узоқ муддатли барқарор ривожланишини таъминлашга йўналтирилган маркетинг стратегияларини қўллаш таклифи асосланган;

“Ўзкимёсаноат” АЖ таркибига кирувчи корхоналарнинг корпоратив бошқарув рақобат устунлиги ҳамда корпоратив бошқарув фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро миқдорий боғлиқлик аниқланиб, унинг асосида кўзланган натижани таъминлаш имконини берувчи маркетинг стратегияларини шакллантириш асосланган;

“Навоийазот” акциядорлик жамиятининг 2026 йилга қадар корпоратив бошқарув тизими корпоратив устунликларини таъминлашнинг прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

корпоратив бошқарув тизими иштирокчиларининг компетентлик соҳалари аниқланган;

корпоратив бошқарув тизимларида компетентлик соҳасини баҳолаш усули таклиф этилган;

корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолашнинг концептуал-манتيқий асослари ишлаб чиқилган;

Харрингтон интервал шкаласи бўйича акциядорлик жамиятларининг корпоратив бошқарув тизими амал қилишининг натижадорлик даражалари бўйича тақсимланиш тартиби ишлаб чиқилган;

корпоратив бошқарув тизими натижадорлигини баҳолаш усули таклиф этилган;

корпоратив бошқарув тизими фаолияти натижадорлигининг “Бошқарув муҳити” элементи бўйича стратегиялари ишлаб чиқилган;

корпоратив бошқарув тизими фаолияти натижадорлигининг “Ресурслар” элементи бўйича стратегиялари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, “Ўзкимёсаноат” АЖ статистик маълумотларидан олингани, тадқиқотда умумқабул қилинган методологик-услубий ёндашувларнинг қўлланилгани ҳамда ишлаб чиқилган хулоса ва таклифларнинг амалда синовдан ўтказилганлиги, натижаларнинг ваколатли давлат ташкилотлари томонидан маъқуллангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти корпоратив бошқарув тизими

иштирокчиларининг компетентлик соҳаларини аниқлаш, корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолашнинг концептуал-мантиқий асослари, корпоратив бошқарув тизими натижадорлигини баҳолаш усули, корпоратив бошқарув тизими фаолияти натижадорлигининг элементлар бўйича ривожланиш маркетинг стратегияларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти корпоратив бошқарув тизимини ривожлантиришнинг муқобил стратегияларини танлаш, корпорациялар фаолиятининг ҳар бир элементи учун стратегияни шакллантириш ва корпоратив тузилмалар рақобатбардош устунликларини оширишни таъминлаш, корпоратив бошқарув тизимлари натижадорлигини баҳолаш учун аналитик моделни қўллаш имконини берувчи аниқ услубий ишланма ва тавсиялар ишлаб чиқиш, шунингдек, олий ўқув юрти талабаларига “Менежмент асослари”, “Корпоратив менежмент” фанлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корпоратив тузилмаларда корпоратив бошқарув натижадорлигини баҳолаш асосида ривожланиш стратегияларини шакллантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

акциядорлик жамиятларида бошқарув тизими фаолияти натижадорлигини интеграл оралиқ натижалари (номақбул (0,48 дан паст), мумкин бўлган (0,55-0,49), нормал (0,62-0,56), юқори (0,68-0,63) ва жуда юқори (0,69 дан юқори)) даражаларига мувофиқ келувчи самарадорлик кўрсаткичлари “Ўзкимёсаноат” АЖ таркибидаги корхоналар бошқарув ва маркетинг фаолиятига жорий этилган (“Ўзкимёсаноат” АЖнинг 2022 йил 27 сентябрдаги маълумотномаси). Натижада “Навоийазот” АЖ корхонаси бошқарув тизими фаолияти самарадорлигининг интеграл кўрсаткичи 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 0,21 бандга, “Максам-Чирчиқ” АЖ корхонаси бошқарув тизими фаолияти самарадорлигининг интеграл кўрсаткичи 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 0,14 бандга ошган;

акциядорлик жамиятлари фойдасининг дивиденд ва бизнесни ривожлантириш учун йўналтирилувчи қисмлари ўртасидаги оптимал нисбатни белгилаш орқали корпорацияларнинг узоқ муддатли барқарор ривожланишини таъминлашга йўналтирилган маркетинг стратегияларини қўллаш таклифи “Ўзкимёсаноат” АЖ таркибидаги корхоналар бошқарув ва маркетинг фаолиятига жорий этилган (“Ўзкимёсаноат” АЖнинг 2022 йил 27 сентябрдаги маълумотномаси). Натижада “Навоийазот” АЖ корхонаси ялпи фойдаси 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 18,23 фоизга, “Максам-Чирчиқ” АЖ корхонаси ялпи фойдаси 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 49,0 фоизга ошган;

“Ўзкимёсаноат” АЖ таркибига кирувчи корхоналарнинг корпоратив бошқарув рақобат устунлиги ҳамда корпоратив бошқарув фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро миқдорий боғлиқлик аниқланиб, унинг асосида қўзланган натижани таъминлаш имконини берувчи

маркетинг стратегияларини шакллантириш таклифи “Ўзкимёсаноат” АЖ таркибидаги корхоналар бошқарув ва маркетинг фаолиятига жорий этилган (“Ўзкимёсаноат” АЖнинг 2022 йил 27 сентябрдаги маълумотномаси). Натижада “Фарғонаазот” АЖ корхонаси сотилган маҳсулотдан тушган умумий даромад ҳажми 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 28,63 фоизга, “Максам-Чирчиқ” АЖ корхонаси сотилган маҳсулотдан тушган умумий даромад ҳажми 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 30,01 фоизга ошган;

“Навоийазот” акциядорлик жамиятининг 2026 йилга қадар корпоратив бошқарув тизими корпоратив устунликларини таъминлашнинг прогноз кўрсаткичлари “Ўзкимёсаноат” АЖ таркибидаги корхоналар бошқарув ва маркетинг фаолиятига жорий этилган (“Ўзкимёсаноат” АЖнинг 2022 йил 27 сентябрдаги маълумотномаси). Натижада “Навоийазот” АЖ корхонаси маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушум кўрсаткичи 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 46,95 фоизга ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда 6 та илмий мақола, жумладан, 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, унинг ҳажми 137 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Корпоратив бошқарув ва маркетинг стратегияларининг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг назарий асослари, корпоратив бошқарув тамойиллари ва моҳиятини ўрганиш, корпоратив бошқарув тизимини шакллантиришнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш, акциядорлик жамиятларида ривожланиш стратегиясини шакллантиришнинг илмий-назарий асосларини ўрганиш, маркетинг стратегиялари моҳиятини ёритиб бериш ва уларнинг турлари, матрицаларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш масалалари ёритилган.

Ташкил этишнинг корпоратив шакли – тадбиркорлик субъектларини ташкил этишнинг бошқа шакллариغا нисбатан яққол афзалликлар яратувчи шакл ҳисобланади.

Муаллифнинг фикрича, корпоратив шакл, биринчидан, акция ва облигацияларни сотиш орқали пул капиталини жалб этиш учун чексиз имкониятлар яратиш, шу билан капитал сафарбарлиги орқали молиявий маблағларни жалб этиш базасини кенгайтириш ҳисобланади.

Иккинчидан, корпоратив шакл банк кредитига кўпроқ ишончлилиги ва банкларни даромадли ҳисоб билан таъминлаш қобилияти туфайли бизнесни ташкил этишнинг бошқа турларига нисбатан осонроқ киришни таъминлайди.

Учинчидан, хўжалик юритувчи субъектлар акциядорлик жамияти таркибига кирувчи мулкдорларнинг шахсий таваккалчилик даражасини чеклайди, бу эса молиявий инвестициялар кўлами ортишига олиб келади.

Тўртинчидан, акциядорлик жамияти бошқарув вазифаларини бажариш учун профессионал мутахассисларни жалб этиш имкониятларини яратади.

Корпоратив бошқарувнинг таърифлари таҳлили қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради:

1. Турли тадқиқотчилар томонидан тақдим этилган фикрлар, ҳатто юзаки ўхшаш бўлганлар ҳам турли хил муҳим хусусиятларга эга. Шу билан бирга, уларнинг аксарияти корпоратив бошқарувни “муносабатлар тизими” (ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқарув) сифатида тавсифлаган. Бу хусусият корпоратив бошқарувнинг деярли барча таърифларида мавжуд, чунки аксарият муаллифлар корпоратив бошқарувни турли корпоратив шахслар ўртасидаги муносабатлар тизими сифатида белгилайдилар.

2. Корпоратив бошқарув объектлари акциядорлар, менежерлар, бошқарув ва уларнинг манфаатларини кўзловчи бошқа манфаатдор томонлардир. Корпоратив бошқарувнинг асосий мақсади – акциядорлик жамиятининг акциядорлар манфаатлари йўлида самарали ишлашнинг таъминлаш, корпоратив бошқарув натижалари эса акциядорлик жамияти иштирокчилари ўртасидаги тегишли муносабатларни тартибга солиш даражасига боғлиқ.

3. Муаллиф аниқлаган яна бир хусусият шундан далолат берадики, корпоратив бошқарув акциядорлик жамияти самарадорлигини ошириш мақсадида ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқарув муносабатлари тизимини муқобиллаштиришга қаратилган мураккаб тартиб ва механизмлар тизимидир.

Шундай қилиб, корпоратив бошқарув тизими (КБТ) фаолияти, тадқиқотда кўрсатилганидек, стратегик, ресурс ва маъмурий соҳаларда амалга оширилиши лозим. Бу соҳалар ЯИМ фаолияти самарадорлиги ва акциядорлик жамияти бозорида рақобат устунликларини шакллантириш самарадорлигини белгилайди.

Шунинг учун корпоратив бошқарув тизими фаолиятнинг учта асосий вазифа йўналишларини таъминлашга қаратилиши керак:

стратегик жиҳатдан – акциядорлик жамиятининг ривожланиш истиқболларини кўриш;

ресурс жиҳатидан – акциядорлик жамиятининг бизнес портфелидаги ресурсларни самарали тақсимлаш ва улардан фойдаланиш;

маъмурий жиҳатдан – умуман акциядорлик жамияти фаолиятини таъминловчи бизнеснинг умумий бошқаруви.

Корпоратив бошқарув тизими фаолият йўналишларининг муаллиф ишланмаси 1-расмда кўрсатилган.



1-расм. Корпоратив бошқарув тизимининг фаолият йўналишлари⁹

Шундай қилиб, бу масала бўйича иқтисодий адабиётларда мавжуд фикрларни танқидий тушуниш тадқиқот муаллифига корпоратив бошқарув тизими(КБТ)нинг ўзига хослиги корпоратив бошқарув тизими фаолиятида мақсадли йўналтирилганлиги билан белгиланади, деган хулосага келиш имконини берди. Корпоратив бошқарувнинг бу муҳитида тизим элементлари ўртасидаги зиддиятларнинг олдини олиш, акциядорлик жамияти тузилмасини ташкил этувчи иштирокчилар мажмуасининг ички изчиллигини таъминлаш лозим.

Стратегик маркетингнинг асосий тушунчаси “стратегия” тушунчасидир. Кўпинча стратегия деганда корхонанинг узоқ муддатли мақсадларига эришиш учун юқори бошқарувнинг узоқ муддатли режаси тушунилади. Баъзи муаллифлар, бу бизнес раҳбарларининг ишлаб чиқариш, маркетинг ва савдо, даромад ва харажатлар ёки капитал инвестицияларга нисбатан узоқ муддатли ниятларидир, деган фикрни билдирадilar. Таъкидлаш жоизки, “стратегия” тушунчаси ва уни тушуниш ишбилармонлик муҳитининг эволюцияси билан бирга ўзгарди.

“Стратегия” атамасини талқин қилишда икки ёндашув кўзга ташланади. Биринчи ёндашув нуқтаи назаридан, стратегия корхонанинг аниқ мақсади нимага интилаётгани, бошқарув қарорларини қабул қилишда нимага

⁹Муаллиф ишланмаси.

асосланиши, корхона фаолиятининг устувор йўналишида нимага асосланиши, корхона фаолиятининг устувор йўналишлари қандай эканлигини билдиради. Умумий таҳрирда стратегик бошқарув мақсадларини ажратиш ва бу мақсадга эришиш учун корхона ресурслари интеграциясини таъминловчи аниқ навбатдаги ҳаракатлар дастурини шакллантиришни назарда тутувчи стратегияни шакллантиришнинг моҳияти тўлиқ акс этган.

Шу билан бирга, иқтисодий стратегия аниқ қарорларни белгиламайди, балки муайян вазиятда қабул қилинган қарорларнинг бутун мажмуини ташкил этади. Зарур ҳолларда корхона фаолиятига жалб этилиши мумкин бўлган мавжуд салоҳият эмас, балки ресурслар ва фаолият шароитларини ҳисобга олади. Шу муносабат билан компания стратегиясининг таърифини ички ва ташқи бозорда компаниянинг узоқ муддатли рақобат устунликларини яратиш ва сақлашни таъминловчи ўзаро боғлиқ қоида ва техникалар мажмуи дейиш мумкин.

Диссертациянинг **“Кимё саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизими ҳолати таҳлили”** деб номланган иккинчи бобида кимё саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг корхона иқтисодий салоҳиятига таъсирини таҳлил қилиш, кимё саноатида корпоратив бошқарувнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлилинини амалга ошириш ва уни такомиллаштиришнинг заруратини асослаш, кимё саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув механизмлари самарадорлигига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш масалалари ўрганилган.

Кимё саноати ўзига хос айрим хусусиятларга эга бўлиб, бу тармоқда қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотлар яратиш имкониятлари мавжуд. “Ўзкимёсаноат” АЖда 2016 йилда 2335 млрд. сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқарилган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 6053,3 млрд. сўмни ташкил этган ёки 3718,3 млрд. сўмга ошган. 2020 йилда “Ўзкимёсаноат” АЖда маҳсулот ва хизматлар экспорти ҳажми 154,5 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, 2016 йилга нисбатан бу кўрсаткич 42,3 млн. АҚШ долларига камайган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ-2884-сонли “Ўзкимёсаноат” АЖ бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, мазкур акциядорлик жамияти бошқаруви аъзолари тўлиқ янгидан тайинланиб, кимё саноати тармоқлари ва бошқарув аппарати тузилмалари қайтадан шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонида кўра, “Кимё ва газ-кимёси соҳаларини ривожлантириш ва табиий газни қайта ишлаш даражасини 8 фоиздан 20 фоизга етказиш орқали кимё саноатида 2 миллиард АҚШ долларига тенг маҳсулот ишлаб чиқариш” вазифаси кўзда тутилган.

“Ўзкимёсаноат” АЖ корпоратив бошқарув тузилмасининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш кўрсатадики, акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи акциядорлик жамиятининг бошқарув органлари ҳисобланади. “Ўзкимёсаноат” АЖ устав фондидаги 100 %

акцияларнинг давлат пакети Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 11 июндаги 167-сонли қарорига асосан “Давлат активларини бошқариш маркази” ДУКга тасарруф этиш ҳуқуқисиз эгалик қилиш ва фойдаланиш учун берилган эди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПҚ-4112-сонли қарорига мувофиқ мазкур давлат акция пакетлари бўйича акциядор ҳуқуқини Давлат активларини бошқариш агентлиги амалга оширмоқда.

Корпоратив бошқарув механизмида Кузатув кенгаши фаолиятини таҳлил қилиш кўрсатадики, “Ўзкимёсаноат” АЖ Кузатув кенгаши аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга сайланади. Кузатув кенгашининг таркиби 6 кишидан иборат бўлиб, амалдаги шахсий таркиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ-2884-сонли қарори билан тасдиқланган.

“Ўзкимёсаноат” АЖнинг корпоратив менежмент соҳаси таҳлил қилинса, компаниянинг ижро этувчи аппарати тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ-2884-сонли қарорига мувофиқ тасдиқланган ва ҳозирги кунда унга амалга оширилаётган ислохотлар доирасида тегишли ўзгартиришлар киритилмоқда.

Кимё саноати акциядорлик жамиятларини бошқариш механизми самарадорлигини ошириш заруратини юзага келтирувчи бир қатор ҳолатлар мавжудки, улар акциядорлик жамиятларини стратегик ривожлантиришда асосий ўринга эга. Мазкур ҳолатларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

айни пайтда кўпгина кимё саноати корхоналари бошқарув тизимида бошқариш самарадорлигини ошириш, корхона молиявий барқарорлигини баҳолашда ягона мазмундаги (молиявий, меҳнат, моддий) кўрсаткичлардан фойдаланиш ҳолатлари учрамоқда;

бошқарув ходимлари малакаси янги ўзгаришларга мос эмаслиги;

кимё саноати корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишга мўлжаллаб, ишлаб чиқиладиган маркетинг стратегияси ва бу борадаги стратегик режалар тез ўзгарувчан бозор талабларига мослаша олмаётганлиги;

корхоналарда молиявий сиёсат талаб даражасида юритилмаётганлиги;

бошқарув томонидан корхонани стратегик ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган қарорлар ижроси турли сабабларга кўра кечиктирилиши, натижасиз яқунланиши ёки сезиларли даражада натижа келтирилиши, айрим ҳолатларда эса бажарилмай қолиши;

корхоналарда турли бўлинмалар ўртасида ахборотлар алмашинувини таъминловчи тизимлар амал қилишига қарамай, кўрсаткичларни ўзаро боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш бўйича ўзаро ҳамкорликда сусткашлик мавжудлиги.

“Ўзкимёсаноат” АЖ жами 23 та юридик шахс, шу жумладан, республикадаги 11 АЖ, 9 та МЧЖ, битта УК ҳамда хориждаги 2 та корхонанинг устав капиталида иштирок этади. Компания кимё тармоғи доирасидаги аксарият корхоналарнинг 51 %дан кўпроқ акция пакети давлат улушига тўғридан-тўғри эгалик қилади, яъни назорат акция пакетига эгадир.

“Ўзкимёсаноат” АЖда корпоратив бошқарув иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни расмийлаштириш механизмини таъминлаш учун етарлича ички корпоратив ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. Аммо меъёрий ҳужжатларни фақатгина ишлаб чиқиш корпоратив бошқарув самарадорлиги ошишини таъминлаб бермайди, балки уни амалиётга самарали жорий қилиш талаб этилади. Шу боисдан бундай вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун “Ўзкимёсаноат” АЖда қуйидаги ҳужжатлар ҳам ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ:

“Ўзкимёсаноат” АЖда барқарор ривожланиш корпоратив стратегияси;

“Ўзкимёсаноат” АЖда барқарор ривожланиш корпоратив стратегиясини амалга ошириш ва уни назорат қилиш маркази тўғрисидаги низом;

“Ўзкимёсаноат” АЖ корпоратив маданияти тўғрисидаги низом.

Таҳлил натижалари кўрсатадики, корпоратив веб-сайтда мажбурий жойлаштирилиши лозим бўлган 21 турдаги ахборот белгиланган бўлса-да, кимё акциядорлик жамиятларининг барчаси ҳам бундай ахборот турларини корпоратив веб-сайтларида тўлиқ ошкор этмайди. “Ўзкимёсаноат” АЖ тизимида “Самарқандкимё” АЖнинг корпоратив веб-сайт манзили (samkimyo.uz) баъзи манбаларда кўрсатилган бўлса-да, лекин у айти пайтда ишламайди. “Ўзкимёсаноат” АЖ ва унинг таркибига кирувчи корхоналар веб-сайтларининг қонунчилик меъёрларига мос келиши юзасидан олиб борилган таҳлил натижаларига кўра, ахборотлар тўлиқлиги таъминланмаган, ахборотларда чалкашликлар кўзга ташланади.

Диссертациянинг **“Корпоратив бошқарув натижадорлиги ва ривожлантириш маркетинг стратегияларини такомиллаштириш йўналишлари”** деб номланган учинчи бобида акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув натижадорлигини баҳолаш асосида уни амалга ошириш имкониятларини аниқлаш, акциядорлик жамиятлари корпоратив стратегиясини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш, корпоратив тузилмаларда бошқарув механизмларини такомиллаштириш асосида унинг самарадорлигини прогнозлаш масалалари ўрганилган.

Умуман, акциядорлик жамияти фаолияти натижадорлигини баҳолаш унинг асосий йўналишларини аниқлаш, бу эса КБТ ва унинг элементлари салоҳияти ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади. Корпоратив бошқарувнинг назарий асосларини ўрганиш натижалари асосида бундай соҳалар стратегик, ресурс ва маъмурий деб белгиланган. Шунга мувофиқ, корпоратив бошқарув натижадорлигини баҳолаш тизими шакллантирилиб, у муайян тамойиллар, усул ва мезонларга мос келади ҳамда интеграциялашган ёндашув асосида шакллантирилиши мумкин. Замонавий акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини шакллантириш ва баҳолаш бўйича муаллифлик нуқтаи назарини асослаш мақсадида концептуал ёндашувларнинг моҳияти таҳлил қилинади.

Тадқиқотда корпоратив бошқарув тизими фаолиятини ташкил этишда компетентлик, стратегик ва ресурс ёндашувлари уйғунлигини таъминлаш

тартибини амалиётга жорий этиш асосида корпоратив тузилмаларнинг узоқ муддатли рақобатда устунлигини таъминлаш стратегиялари асосланган.

Диссертацияда корпоратив бошқарув тизими натижадорлигини баҳолашда услубий ёндашувнинг асосий босқичлари ишлаб чиқилган. Корпоратив бошқарув тизими натижадорлигини баҳолаш босқичлари ва тартиблари шаклидаги муаллифнинг услубий ёндашуви корпоратив бошқарув тизими натижадорлигини баҳолаш алгоритми ва корпоратив бошқарув тизимини шакллантириш ҳамда унинг натижадорлигини баҳолашнинг концептуал ва мантикий схемасини ишлаб чиқиш имконини берди (2-расм).



2-расм. Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш алгоритми ¹⁰

Корпоратив бошқарув тизими натижадорлигини баҳолашнинг комплекс услубиятини яратиш заруратидан келиб чиқиб, рақобат устунликларининг муҳим омиллари, шунингдек, маъмурий-бошқарув жиҳати, акциядорлик жамияти истикболлари ва акциядорлик жамияти ресурслари тақсимланишини тавсифловчи комплекс кўрсаткичларни ҳисобга олиш зарур. Шу муносабат билан баҳолашнинг қулайлиги учун рақобат устунликлари омилларини корпоратив бошқарув тизими (КБТ) фаолиятини акс эттирувчи: бошқарув муҳити, ресурслар ва бизнес истикболларини кўриш мезонлари бўйича таснифлаш таклиф этилди.

Шундай қилиб, олинган параметрларни 3 элементли моделда ягона интеграл кўрсаткичга бирлаштириш корпоратив бошқарув тизими

¹⁰ Муаллиф ишланмаси.

самарадорлиги тўғрисида умумлаштирилган тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Тадқиқотда “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти (АЖ) таркибига кирувчи 5 та акциядорлик жамияти – “Навоийазот” АЖ, “Фарғонаазот” АЖ, “Максам-Чирчиқ” АЖ, “Самарқандкимё” АЖ, “Кўкон суперфосфат заводи” АЖнинг корпоратив бошқарув фаолияти ўрганилди. Бу корхоналар республикамиз кимё саноатидаги етакчи корхоналар ҳисобланади.

Корпоратив бошқарув тизимининг амал қилиш натижадорлигини баҳолаш орқали натижадорлик интеграл кўрсаткичининг қуйидаги қийматлари олинди (1-жадвал).

1-жадвал

Корпоратив бошқарув тизими фаолияти натижадорлигининг интеграл кўрсаткичлари¹¹

Ўрганилаётган объектлар	КБТ натижадорлигининг интеграл кўрсаткичлари	Кўрсаткичлар номланиши		
		К _{ВМН} вазифавий-маъмурий жихатнинг натижадорлик кўрсаткичи	К _{СЙН} стратегик йўналишнинг натижадорлик кўрсаткичи	К _{РТН} ресурсларни тақсимлашнинг натижадорлик кўрсаткичи
“Навоийазот” АЖ	0,7965	0,8186	0,6033	1,0233
“Фарғонаазот” АЖ	0,7353	0,8436	0,4900	0,9617
“Максам-Чирчиқ” АЖ	0,7545	0,7919	0,5917	0,9167
“Самарқандкимё” АЖ	0,6541	0,6984	0,4650	0,8617
“Кўкон СФЗ” АЖ	0,5383	0,5859	0,3983	0,6683

Корпоратив бошқарув тизими амал қилишининг натижадорлик даражасини ҳисоблаш асосида акциядорлик жамиятлари Харрингтон интервал шкаласи бўйича қуйидагича тақсимланди (2-жадвал).

2-жадвал

Акциядорлик жамиятларининг корпоратив бошқарув тизими амал қилишининг натижадорлик даражалари бўйича тақсимланиши¹²

Натижадорлик даражаси	Интерваллар	АЖлар сони	%
Жуда юқори	0,6998 дан юқори	3	60,0
Юқори	0,6898-0,6228	1	20,0
Нормал	0,6229-0,5559	-	-
Мумкин бўлган	0,5560-0,4890	1	20,0
Номақбул	0,4890 дан паст	-	-

2-жадвал маълумотларига кўра, ўрганилаётган акциядорлик жамиятлари ўртасида корпоратив бошқарув тизими амал қилишининг натижадорлик

¹¹ Муаллиф ҳисоб-китоблари.

¹² Муаллиф ҳисоб-китоблари.

